

1/2023,
yanvar-
fevral
(№ 00063)



ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Халматов Турғунбой Қўчқарович

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти мустақил
изланувчиси*

xturgunboy@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a22

Аннотация

Илмий мақолада мамлакатимизда енгил саноатнинг иқтисодий ва стратегик режалаштириш, ривожланган мамлакатларда енгил саноат иқтисодиётнинг хомашё тармоғи, бу соҳа кўплаб мамлакатларда давлат бюджетининг салмоқли қисмини ташкил этиб келётгани, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда енгил саноат соҳасининг ривожланишида жаҳон тажрибаси таҳлили кенг ёритиб берилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, енгил саноат, енгил саноат иқтисодиёти, аҳоли бандлиги, енгил саноат тармоқлари, тўқимачилик саноати, кийим-кечак саноати, хомашё ишлаб чиқариш, енгил саноат маҳсулотлари.

МЕСТО ПРОДУКЦИИ ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА И ЕЕ ОСОБЕННОСТИ

Халматов Турғунбой Кочкарович

*Независимый научный сотрудник Андijanского института сельского хозяйства и
агротехнологий*

Аннотация

В научной статье рассмотрено экономическое и стратегическое планирование легкой промышленности в нашей стране, сырьевая сеть экономики легкой промышленности развитых стран, то, что эта отрасль составляет значительную часть государственного бюджета во многих странах, ее социально-экономическое значение, обеспечение занятости трудоспособного населения, анализ мирового опыта развития отрасли легкой промышленности.

Ключевые слова: экономика, национальная экономика, легкая промышленность, экономика легкой промышленности, занятость населения, отрасли легкой промышленности, текстильная промышленность, швейная промышленность, производство сырья, продукция легкой промышленности.

THE PLACE OF LIGHT INDUSTRIAL PRODUCTS IN THE UZBEKISTAN ECONOMY AND ITS SPECIFIC CHARACTERISTICS

Khalmatov Turgunboy Kochkarovich

Independent researcher of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies

Abstract

The scientific article considers the economic and strategic planning of light industry in our country, the raw material network of the economy of light industry in developed countries, the fact that this industry makes up a significant part of the state budget in many countries, its socio-economic importance, employment of the working population, analysis of world experience development of the light industry.

Keywords: economy, national economy, light industry, light industry economy, employment of the population, light industry, textile industry, clothing industry, production of raw materials, light industry products.

Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистон енгил саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири бўлиб, бунга ўз хомашё базасининг мавжудлиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талабнинг тобора ортиб бораётгани кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда. Мамлакатимизда енгил саноат ўзининг рақобатбардош салоҳиятидан келиб чиқиб, янги корхоналар ташкил этишда, аҳоли бандлигини таъминлашда, маҳсулотларни экспорт қилишда ва хорижий инвестицияларни жалб этишда етакчи ўринни эгаллайди, шунингдек, мамлакат миллий иқтисодиётини жаҳон миқёсида ихтисослаштиришда стратегик муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида "Энди олимларимиз сув ва энергияни тежаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик, геология, саноат, қурилиш каби бугунги кунда биз учун долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатишлари керак. Шу билан бирга, сўнгги олти йилда аҳолимиз 13 фоизга, саноат корхоналари эса 2 баробар ортиб, 45 мингдан 100 минггага кўпайди. Натижада электр энергиясига талаб камида 35 фоиз ошди ва йилдан-йилга кўпайиб бормоқда"¹—деб таъкидлаб ўтдилар. Жумладан, енгил саноатнинг ҳолати мамлакатнинг иқтисодий ва стратегик хавфсизлигига таъсир қилади. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда енгил саноат иқтисодиётнинг хомашё тармоғига, ривожланаётган мамлакатларда эса устувор соҳага айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда енгил саноатни ривожлантириш бўйича бир қатор меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ушбу соҳани ривожда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги "Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4453-сон Қарори натижасида сўнгги йилларда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг йиллик ўсиши қарийб 18 фоизни, экспорт ҳажми эса 10 фоизни ташкил этди.

Мавзуга оид илмий ва амалий манбалар таҳлили

Щиборщ К.В. Ўзининг саноат корхоналарини интеграциялашган бошқарув тизимларини такомиллаштириш, авваламбор, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, маҳсулотни тақсимлаш ва сотиш ҳамда шу орқали фойданинг ошишини, инвестициялардан олинадиган самарани таъминлаш ва компаниялар рақобат мавқеини кучайтириш зарурати билан боғлиқ бўлиб, мамлакат иқтисодиётининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. Халқ Сўзи, 2022 йил 21 декабрь, 3-бет.

нисбатан барқарорлашуви шароитида ишлаб чиқаришини бошқариш ва уни такомиллаштириш даражаси билан белгиланиши асослаб берган [4].

Абдугаффаров А., Мардиев Н., Сиддиқов З. Молиявий жараёнларни баҳолаш моделлари ва амалий масалаларни ёчиш усулларига бағишланган бўлиб, молиявий жараёнларини таҳлил қилишнинг асосий мақсади корхонанинг молиявий жараёнларини аҳолини ҳар томонлама ўрганиб, унинг ҳолатига баҳолаш моделлари орқали аниқ баҳо бериш, маблағ ва манбаларнинг жойланишини текшириш, уларни тўғри йўналишда ишлатилаётганини баҳолаш моделлари орқали аниқлаш, молиявий жараёнлар қандай амалга оширилаётганини баҳолаш методлари орқали аниқлаш ва тўлов қобилиятига баҳо беришни аниқлаган [3].

Ленько О.В., Саноат корхонасини бошқариш учун ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамиятини баҳолаш бўйича бир қаптор таклиф тавсиялар ишлаб чиқилган. Жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида корхоналарни бошқариш – тизимли дастурий таъминот ва компьютер ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш асосида бошқариш вазифаларини ҳал этиш учун маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва ахборотни муҳофаза қилиш, билим усуллари ва воситалари мажмуини ташкил этишдан иборатдир. Бошқарувда ахборот технологиялари автоматлаштирилган тарзда тез-тез ишлатилади, яъни техник ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда бошқариш технологияларини амалга оширишни кўзда тутди [6].

Дедов О.А. Саноат корхоналар бошқарув тизимини шакллантириш умумий ҳолда бошқарув усуллари тизимларини яратиш орқали амалга оширилади. Зарурий натижага эришиш мақсадида ташкилий тизим фаолиятини амалга ошириш саноат бошқарув тизимини ушбу тизимга таъсир этиши орқали бажарилиши ҳамда саноат корхонасининг иқтисодий мослашувини бошқариш усуллари бўйича ёндошувлари кўрсатиб берилган [7].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот олиб бориш давомида монографик таҳлил ҳамда эксперт ва тизимли таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда энгил саноатнинг иқтисодий ва стратегик режалаштириш, энгил саноатнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали биринчи навбатда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрланди.

Таҳлил ва натижалар

Маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш даражасини босқичма-босқич ошириш, шунингдек, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш ички захира ва имкониятларимизнинг энг муҳим йўналиши бўлди.

Ўтган 31 йил давомида соҳа хорижий сармояларни жалб этиш бўйича ҳам, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар экспорти бўйича ҳам етакчилардан бирига айланди. Бугунги кунда энгил саноат ип-калададан тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотларигача бўлган барча турдаги маҳсулотларни ўз ичига олган кенг экспорт ассортименти билан ифодаланади.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш даражасининг ошиши натижасида, 2016-2021 йилларда қўшимча қийматли тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш бир неча баробарга ошганини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистондан экспорт қилинган асосий турдаги текстил маҳсулотлари (минг АҚШ долларларида).²

| Маҳсулотлар | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|---|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-------------|
| Намат ва тўқилмаган материаллар, арқон маҳсулотлари | 27 208,9 | 24 664,7 | 26 779,7 | 27 431,1 | 30 923,4 | 39 707,1 |
| Тайёр трикотаж кийимлар | 203 714,6 | 251 362,6 | 269 764,3 | 323 400,6 | 459 243,2 | 577 832,2 |
| Тайёр кийим тикиш | 12 768,2 | 17 290,8 | 19 859,8 | 31 423,1 | 47 486,4 | 67 345,8 |
| Гилямлар ва бошқа тўқимачилик пол қопламалари | 19 460,9 | 34 415,7 | 31 042,0 | 32 004,0 | 29 244,3 | 42 069,5 |
| Бошқа тайёрланган тўқимачилик маҳсулотлари | 22 017,5 | 31 726,5 | 36 052,7 | 51 948,0 | 88 807,5 | 118 113,4 |
| Бошқа ўсимлик тўқимачилик толалари | 656,4 | 447,4 | 322,0 | 678,1 | 381,9 | 513,8 |
| Бошқа товарлар | 5 389,9 | 5 082,1 | 6 227,6 | 6 453,6 | 7 992,1 | 13 982,6 |
| Пахта ипи | 497 298,5 | 631 312,2 | 726 645,1 | 926 119,4 | 940 704,6 | 1 613 424,2 |
| Пахта матолари | 46 356,3 | 53 795,0 | 65 703,4 | 69 171,9 | 96 817,2 | 131 647,0 |
| Трикотаж мато | 65 171,3 | 50 408,7 | 65 503,1 | 84 760,0 | 144 477,4 | 242 803,0 |
| Ипак ва ипак маҳсулотлари | 20 996,1 | 30 933,8 | 49 930,9 | 71 846,2 | 74 927,4 | 78 097,6 |
| Жун ва жун маҳсулотлари | 1 832,3 | 2 174,5 | 2 398,5 | 1 681,8 | 1 348,1 | 1 898,9 |

Хусусан, 2016 йилда 203,7 млн. АҚШ долларлик тайёр трикотаж кийимлар экспорт қилинган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 577,8 млн. АҚШ долларига етган. Тайёр кийим тикиш эса, 2016-2021 йиллар мобайнида қарийб 5 баробарга ошганини кўришимиз мумкин.

Ҳозирги вақтда енгил саноатда якуний ишлаб чиқариш тармоқларига (қиймат бўйича) силжиш кузатилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, тайёр маҳсулот таннархи хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар таннархидан анча юқори ва шунинг учун халқаро савдода тайёр маҳсулотлар анча катта роль ўйнайди. Бу, айниқса, кийим-кечак ва пойафзал саноатида кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-53-сон Фармонининг имзоланиши маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда янги босқични бошлаб берди. Натижада, 2022 йилнинг дастлабки икки ойида Ўзбекистон 15та хорижий давлатларга қиймати 45,6 млн АҚШ долларига тенг

бўлган қарийб 8 минг тонна трикотаж маҳсулотларини экспорт қилган. Трикотаж маҳсулотлари экспорти ҳажми ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 8,4 млн АҚШ долларига ошган.

Ўзбекистон енгил саноат бозори катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, шахсий фойдаланиш учун турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаради ва шу билан одамларнинг моддий фаровонлигининг энг муҳим таркибий қисмларидан бирини ташкил қилиб, қўйидаги асосий хусусиятларга эга:

- истеъмолчи билан чамбарчас боғлиқлик, муайян ҳудуд аҳолисининг тарихий, географик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқлиги;

- мода, дид ва бошқаларнинг ўзгариши туфайли маҳсулот ассортиментининг тез ўзгаришида ифодаланган саноатнинг махсус динамикаси;

- хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, аксессуарлар ва уларнинг дизайнига, шунингдек, технологиялар ва ишлаб чиқаришни ташкил этишга қўйиладиган талабларнинг ўзгарувчанлиги;

- ишчи кучи сифатига алоҳида талаблар (бадий маданият, дид ва бошқалар мавжудлиги).


Мамлакатимизда енгил саноат тармоқлари орасида энг муҳимларидан бири бу тўқимачилик саноати ҳисобланади. Мустақиллик йилларида унинг тузилиши сезиларли даражада ўзгарди. Ҳозирги вақтда тўқимачилик саноатида ишлатиладиган хом ашёга қараб пахта, жун, ипак, зиғир ва тўқилмаган материаллар (сунъий толалар) ишлаб чиқаришга бўлинади. Яъни, пахта, зиғир, ипак, жун ва трикотаж газламалар ишлаб чиқариш каби бир қанча кичик тармоқларга бўлиниб, бирламчи қайта ишлаш, йиғириш, шунингдек, газламаларни тўқиш ва пардозлаш (бўяш, чизиш)ни ўз ичига олади. Ярим маҳсулот ишлаб чиқариш тармоқлари орасида ҳам тўқимачилик саноати энг муҳим ўринни эгаллайди.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати давлат муаммоларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди ва кўплаб ҳудудларнинг ҳаётий манфаатларига жавоб беради. Бу ҳудудларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришга давлат томонидан катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5989-сон Фармони ўз самарасини берди ва тўқимачилик саноати саноат ишлаб чиқариши тармоқлари орасида тадбиркорликни ривожлантириш (8 мингга яқин корхона), аҳоли бандлигини таъминлаш (501,0 минг нафардан ортиқ), айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашда (ишчиларнинг 60 %дан ортиғини аёллар ва ёшлар ташкил этиш) ҳақли равишда етакчилардан бирига айланди.

Бугунги кунга келиб Республикада жами 134 та пахта-тўқимачилик кластерлари фаолият юритмоқда. Пахта-тўқимачилик кластерларида пахта теришни замонавий усулларида фойдаланилмоқда, жумладан, АҚШ (John Deere), Германия (Case), Хитой ва бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган пахта териш машиналарида териб олинмоқда.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон пахта ресурслари марказига айланди ва пахта хомашёсининг асосий қисмини экспорт қилган бўлса, бугунги кунга келиб тўқимачилик саноати мамлакатимизда етиштирилган 3,0 млн. тоннадан ортиқ пахтани 100 % қайта ишлаш, қўшимча равишда қўшни давлатлардан пахта толасини импорт қилиш қувватларини яратишга муваффақ бўлди.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, тўқимачилик корхоналарининг янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришда асосий эътибор тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспортдаги улушини оширишга қаратилмоқда 1-расм. 2010 йилда 1,6 млрд. АҚШ долларлик пахта толаси экспорт қилинган бўлса, бу кўсаткич йилдан-йилга камайиб, 2021 йилда 136,6 млн. АҚШ долларига камайган. Яъни, етиштирилаётган пахта хомашёсининг асосий қисми юқори қўшилган қийматга эга кийим-кечак маҳсулотлари, трикотаж маҳсулотлари ва бошқа шу каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда ва экспорт қилинмоқда. Айни пайтда корхоналарда аралаш калава ва газламалар ишлаб чиқариш кўлами кенгайтирилмоқда.



1-расм. Ўзбекистонда пахта толасининг экспорт кўрсаткичлари (йиллар кесимида)³

Тўқимачилик корхоналари томонидан 2021 йил якуни бўйича жами 1,0 млн. тоннадан ортиқ пахта толаси қайта ишланиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 31,9 трлн. сўмни (ўсиш суръати 140,7 %), шу жумладан, 19 дона истеъмол товарлари 8 трлн. сўмни (133 %) ташкил этди.

Хусусан, ҳажм бўйича:

- ип ишлаб чиқариш – 747,0 минг тонна (118,6 %),
- газламалар — 510,0 млн.кв.м (125,6 %),
- трикотаж газлама — 175,0 минг тонна (146,3 %),
- пайпоқ — 293,1 млн. жуфт (114,0 %),
- тайёр трикотаж маҳсулотлари — 175,0 млн. (115,9 %) ва тикувчилик 571,0 млрд.сўм (143,4 %).


Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 36 лойиҳа бўйича 566,8 млрд. сўмлик тайёр маҳсулот ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқарилди.

Инвестиция дастури доирасида инвестициялар ҳажми 232,9 млн. долларни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми эса 150,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Экспортнинг умумий ҳажмида ип-калаванинг улуши 55,4 %ни, қўшилган ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар улуши 44,6 %ни, ўсиш суръати 2020 йилга нисбатан 141 %ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган товарларнинг асосий экспорти Россияга — 32,0% (950,0 млн. доллар), Хитойга — 22,0% (630,0 млн. доллар), Қирғизистон — 13,0% (385,0 млн. доллар), Туркия — 16,0 (460,0 млн. доллар)га йўналтирилган. Бундан ташқари, 2020 йилда Европа Иттифоқига аъзо 16 мамлакатга ҳам энгил саноат маҳсулотлари экспорт қилинган бўлиб, экспортнинг асосий улушини калава ип - 49,1% (13,5 млн. АҚШ долл.), мато 21,9% (6 млн. АҚШ долл.), трикотаж буюмлар 16,7% (4,6 млн. АҚШ долл.), тикувчилик маҳсулотлари 11% (2 млн. 9 млн. АҚШ долл.), пайпоқ маҳсулотлари 1,3% ташкил этади. (0,3 млн. АҚШ долл.). Ўзбек тўқимачилик маҳсулотларини импорт қилинган биринчи учликдан Полша — 56% (15,4 млн. долл.), Италия — 19,1% (5,3 млн. долл.), Германия — 7,3% (2,0 млн. долл.) ўрин эгаллаган.

Мамлакатимиз энгил саноатининг етакчи тармоқларидан яна бири кийим саноати бўлиб, ишлаб чиқарилаётган газламаларнинг катта қисмини истеъмол қилади, юқори меҳнат зичлиги, маҳсулотларга, айниқса, модага мос маҳсулотларга бўлган фаол талаб, шунингдек, товарларнинг фавқулодда хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Хусусан, 2021 йилда жами фаолият юритаётган кийим маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати корхоналари томонидан 13,3 трлн. сўм қийматга тенг бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Тармоқнинг 2020 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 118,7 % ни ташкил этди.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, кийим маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати корхоналари томонидан республика миқёсида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жами ҳажмидаги энг юқори улуши Андижон вилояти (26,3 %), Тошкент вилояти (14,5 %), Наманган вилояти (10,7 %), Тошкент шаҳри (8,8 %) ҳиссаларига тўғри келмоқда. Трикотаж маҳсулотлари экспорти ҳам 2022 йил январь-февраль ойларида Андижон вилояти (6,4 %), Тошкент вилояти (9,1 %) ва Тошкент шаҳри (19,1 %)да юқори кўрсаткичларга эришилганини кўрсатмоқда (2-расм). Ўзбекистон трикотаж маҳсулотларини экспорт қилинган давлат рўйхатида Россия (14,5 млн. АҚШ доллари), Қирғиз Республикаси (14,2 млн. АҚШ доллари), Италия (8,6 млн. АҚШ доллари) ва Украина (2,8 млн. АҚШ доллари) давлатлари етакчилик қилмоқда.



2-расм. 2022 йилнинг январь-февраль ойларида трикотаж маҳсулотларини энг кўп экспорт қилган ҳудудлар⁴

Тайёр трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича бир қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2018 йилда тўқимачилик саноатида аралаш газламалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, пахтадан кўйлак матолари, тайёр полиестер матолар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, тўқимачилик корхоналарида нитрон толаси, нитрон калава, синтетик ва полиестер толалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон энгил саноатида пойафзал саноати ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Пойафзал саноатининг ассортименти анча юқори бўлиб, саноат ишлаб чиқариш учун турли хил хом ашё билан тавсифланади. Сўнгги пайтларда табиий хом ашёлардан ташқари, анча арзон бўлган синтетик хом ашёлардан ҳам фойдаланилмоқда.


Чарм-пойафзал саноати Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг истиқболли йўналишларидан биридир. Сўнгги йилларда мазкур соҳани ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, ишлаб чиқарувчиларга солиқ имтиёзлари берилди, хомашё базасини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратилиб, экспорт фаолиятини кучайтириш учун кўмак берилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 февралдаги "Чарм-пойафзал ва мўйначилик соҳаларида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-143-сон Қарори ва 2021 йил 8 февралдаги "Чарм-пойафзал ва мўйначилик соҳаларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4982-сон Қарорлари соҳа ривожланишида қўшимча туртки бермоқда.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, чарм-пойафзал саноат 2017-2020 йилларда жадал ривожланди ва ишлаб чиқариш ҳар йили ўртача қарийб 19% га ошган. 4 йил давомида пойафзал ишлаб чиқариш 10,4 бараварга ўсди, яъни 2016 йилда 10,2 миллион жуфт чарм-пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2020 йилда 105,8 миллион жуфтга етган. Шунингдек, 2020 йилда 1 460 млн. кв. м. чарм буюмлар ва 92,7 млрд. сўмлик чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шуниси эътиборга лойиқки, иккинчи ва учинчи босқич териларини ишлаб чиқариш фаол ўсиб бормоқда, шу билан бирга охириги босқич кўринишидаги биринчи босқич териларининг ишлаб чиқарилиши 2018 йилдан кейин пасаймоқда. Бу маҳаллий чарм саноати тобора мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтаётганидан далолат беради, бу эса тайёр чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун қўшимча имкониятлар яратмоқда⁵.

Ўзбекистоннинг чарм-пойафзал саноати бизнес учун жозибадор бўлиб, буни сўнгги йилларда корхоналар сонининг кўпайиши ва инвестиция фаоллиги даражасининг ошиши тасдиқлайди. Шундай қилиб, агар 2016 йилда "Ўзчармсаноат" уюшмасидаги корхоналар сони 83 бирликни ташкил этган бўлса, 2020 йил охирига келиб 560 дан ортиқ бирликни ташкил этади.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

⁵ "Ўзчармсаноат" уюшмаси маълумотлари.



3-расм. 2021 йилда Ўзбекистон энг кўп оёқ кийим экспорт қилган давлатлар⁶

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, чарм-пойафзал саноати ички бозордан ташқарига чиқиб, хорижий мамлакатларга маҳаллий маҳсулотларни етказиб бериш имкониятига эга бўлган истиқболли тармоқларидан бири бўлиб, юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чарм-пойафзал маҳсулотларининг умумий экспортида терининг экспорти устунлик қилишда давом этаётган бўлса-да, шу билан бирга, тайёр маҳсулотлар, айниқса, пояфзал экспорти бир неча бор ортиб бормоқда. 2017-2020 йилларда пояфзал маҳсулотлари экспорти ҳажми 3 баравар ошди ва Ўзбекистон 2021 йилда 16 та хорижий давлатларга қиймати 37,4 млн. АҚШ долларига тенг бўлган оёқ кийимлар экспорт қилган. 3-расмда Ўзбекистондан оёқ кийимлар энг кўп экспорт қилинган давлат ичида нафақат Ўрта Осиё давлатлари, балки Россия ва Сингапур каби давлатлар ҳам мавжуд эканлиги кўришимиз мумкин. 2021 йилда Ўзбекистондан энг кўп оёқ кийимлар экспорт қилинган давлат Қирғиз Республикаси бўлган бўлса, 2022 йилнинг январь-июль ойларида 18 та хорижий давлатларга қиймати 21,4 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 15,3 млн. жуфт оёқ кийимлар экспорт қилган. Ҳозирги кунда маҳаллий пояфзал маҳсулотлари АҚШ, Латвия, Молдова, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт, Сингапур каби 14 мамлакатга етказиб берилмоқда⁷.



4-расм. 2021 йилда хорижий давлатларга энг кўп оёқ кийим экспорт қилган ҳудудлар.⁸

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.

⁸ Ўша ерда.

Тадқиқотларимиз шунини кўрсатмоқдаки, хорижий давлатларга энг кўп оёқ кийим экспорт қилган ҳудудлар ичида Андижон вилояти (17 млн. АҚШ долл.) етакчилик қилиб келмоқда (4-расм). Самарқанд вилояти (7,5 млн. АҚШ долл.) ва Фарғона вилоятилари (7,3 млн. АҚШ долл.) ҳам хорижий давлатларга энг кўп оёқ кийим экспорт қилиш бўйича юқори натижаларга эришиб келмоқдалар.

Хулоса ва таклифлар

Ҳудудларни ривожлантириш дастурларига мувофиқ 2021 йилда тўқимачилик ва тикувчилик саноати соҳасида умумий қиймати 447,3 миллион долларлик (хорижий инвестицияларни ҳисобга олган ҳолда) 85 та йирик лойиҳа амалга оширилиб, 22 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Тадқиқотларимиз шунини кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон 2021-йилнинг январь-ноябрь ойларида 46 та хорижий давлатдан қиймати 12,8 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 3,5 млн. жуфт оёқ кийимларини импорт қилган. Оёқ кийимлари импорти ҳажми 2020-йилнинг мос даври билан солиштирилганда 4,8 млн. АҚШ долларига ошган. 2021-йилнинг 11 ойида Ўзбекистон энг кўп оёқ кийимларини Хитой (5,4 млн.) ва Туркия (4,0 млн.) давлатларидан импорт қилган бўлса, Португалиядан 77 минг АҚШ долларлик оёқ кийимлар импорт қилинган. Жумладан, Ўзбекистонда чарм-пояфзал саноати маҳсулотлари экспорт қилиниши билан биргаликда, бошқа давлатлардан импорт ҳам қилинади.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда соҳага жалб қилинган инвестициялар ҳажми 3,9 бараварга ошган. Ҳаттоки, 2020 йилда пандемия туфайли юзага келган қийинчиликларга қарамай, тахминан 190 млн АҚШ доллар, шу жумладан 60 млн. доллардан ортиқ хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди, бу 2016 йилга нисбатан 30 баравар кўпдир.

Хулоса қилиб айтсак, мамлакатимизда асосий енгил саноат тармоқлари сифатида тўқимачилик, кийим-кечак ва пояфзал саноатини кўришимиз мумкин. Янги сармояларни жалб қилиш, самарали бошқарув, энг замонавий техника ва технологияларни жорий этиш бўйича ҳам Ўзбекистонда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришнинг энг муҳим омили бўлиб, унинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2022 йил 21 декабрь. 3-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16 сентябрь 2019 йилдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4453-сон Қарори.
3. Абдугаффаров А., Мардиев Н., Сиддиқов З. Молиявий жараёнларни баҳолаш моделлари ва амалий масалаларни ёчиш усуллари. Монография.-Т.: “Fan ziyosi” нашриёти, 2021, 132 б.
4. Щиборщ К.В. Интегрированная система управления промышленных предприятий России. // Менеджмент в России и за рубежом. - №4. - 2000.

5. Жиемуратов Т.П. Корхона бошқарув жараёнлари ахборот таъминоти-ни ташкил этишни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. – Т.: 2010. 156

6. Ленько О.В. Оценка значимости информационно- коммуникационных технологий для управления промышленным предприятием // Проблемы региональной экономики. 2005. № 3-4.

7. Дедов О.А. Управление экономической адаптацией промышленного предприятия. - Екатеринбург: Институт экономики УрО РАН, 2002.

8. Афонин И.В. Управление развитием предприятия: Стратегический менеджмент, инновации, инвестиции, цены: Учебное пособие. - М.: Изда- тельско- торговая корпорация «Дашков и КО», 2002. - 380 с.

9. Дрешер Ю.Н. Организация информационного производства: учебное пособие. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2005. – 248 с.

10. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа: Учебник. - 4-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 1999. - 416 с.

11. Богагко А.Л. Системы управления развитием предприятия СУРП - М.: Финансы и статистика, 2001. – 240 с.

12. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги сайти.